

Толаметова З.А.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди;

Қулматов А.А.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикамизда янги иш жойларини яратишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон ҳукумати, жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоят ҳокимиятлари томонидан амалга оширилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни давлат томо-

нидан рағбатлантирилиши, мамлакатимиз қишлоқларида бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи ижтимоий инфраструктурани вужудга келтириш дастурлари ишчи кучининг тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлашга қаратилган.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали му- тахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизи- мига ўтиш борасида кўрилган чора- тадбирлар аҳолининг бандлик да- ражасини янада ошириш имконини берди.

Бандликни оширишда янги иш жойларини яратишдаги бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала кичик биз- нес ва хусусий тадбиркорликни ри- вожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар ташкил қилиб бериш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркор- ликни ривожлантириш учун салмоқли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган, ин- ституционал ўзгаришлар амалга оши- рилган. Бу база мамлакатимизнинг «Ўзбекистон Республикасида тадбир- корлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғри- сида»ги, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

Фан ва техника тез суръатлар билан тараққий этиб бораётган даврда ноёб саноат маҳсулотлари, шунингдек, ўзига хос ва маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган маҳсулот- ларга талаб юқори бўлади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кичик корхоналарда жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривож- ланиши ва фаолият кўрсатиши соҳа-

сидаги тажриба уларга давлат, шу- нингдек, ижтимоий институтлар томонидан ҳам катта эътибор бери- лаётганини кўрсатади ва улар ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида ҳам, иш билан банд ходимларнинг умумий сонинда ҳам анча салмоқли ўринни эгаллайди.

Хуллас, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ай- ниқса, қишлоқ жойларида янги иш жойларини очиш ҳамда ёшлар ораси- да иш билан бандлик масаласини ҳал этиш билан боғлиқ муҳим ижтимоий ролни бажаради.


Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш муаммо- ларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2012 йилда иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 фоизга ўсди ва деярли 12,5 миллион кишига етди, иқтисодиётнинг нодав- лат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 81 фоизни ташкил этди¹.

2007–2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тад- биркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг киши- га ёки 4,96 марта кўпайган².

2012 йилда 83 та корхона хусусий- лаштирилди, энг кўп хусусийлашти- рилган объектлар Тошкент шаҳри улушига тўғри келган бўлиб, улар 48 та объектдан иборат бўлди. Мулкни дав- лат тассаруфидан чиқариш ва хусу-

¹ Ўзбекистан в цифрах 2012. Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. – Т., 2012. –С. 39.

² Ўша манба.

1-расм. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМдаги улуши¹

сийлаштириш натижасида 32,1 млрд сўм пул маблағлари келиб тушган².

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодий эътибор эътиборнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

2012 йилда кичик тадбиркорлик томонидан ЯИМ умумий ҳажмининг 54,6 фоизи ишлаб чиқилган бўлиб, бу 2011 йилга нисбатан 0,6 фоиз кўпроқни ташкил қилган. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 33,9 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 33,7 фоиздан иборат бўлган³. (1-расм).

2012 йилда кичик тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлар сони 9252,9 минг кишини, шунингдек, хусусий секторда банд бўлганлар 6851,8 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар

сони 2401,1 минг кишини ташкил қилган⁴. Кичик тадбиркорликда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 11253,1 млрд сўмга етиб, республикадаги саноат ишлаб чиқаришининг 22,2 фоизини ташкил этган⁵. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ўзлаштирилган инвестициялар 7767,3 млрд сўмдан иборат бўлиб, республикадаги жами инвестицияларнинг 35,2 фоизини ташкил этгани ҳолда 2011 йилга нисбатан 123,0 фоизга ўсган⁶. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 2238,1 млн АҚШ долларини, яъни умумий экспорт ҳажмининг 15,7 фоизини, умумий импортдаги улуши 37,6 фоизни, яъни 4518,5 млн АҚШ долларини ташкил этди⁷. 2000 йилда ЯИМнинг 31 фоизи мазкур соҳада ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилда бу

¹ Узбекистан в цифрах 2012. Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. – Т., 2012.

² Ўша манба.

³ Ўша манба.

⁴ Ўша манба.

⁵ Ўша манба.

⁶ Ўша манба.

⁷ Ўша манба.

кўрсаткич 55,8 фоизни ташкил этди¹. 2014 йилда ЯИМни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди².

Ҳозирда кичик бизнес соҳасида яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушига тўғри келмоқда. Кичик бизнесда банд бўлганлар 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 75 фоизга етди³.

2014 йилда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480

мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди ва бу соҳада банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда⁴.

Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишда муҳим ўринга эгаллигини кўрсатади. 2013 йилда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келган⁵ (2-расм).

Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Манба: <http://www.lex.uz/news/144>.


² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийетимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка қенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

³ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Манба: <http://www.lex.uz/news/144>.

⁴ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийетимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка қенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

⁵ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Манба: <http://www.lex.uz/news/144>.

2-расм. Иқтисодий тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши



юқорига кўтарилди¹. Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди². Бу бо-рада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Манба: <http://www.lex.uz/news/144>.

² Ўша манба.

қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Мазкур жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва хорижий шерикларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56

миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

2014 йилда эса 500 дан ортиқ янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнеснинг экспорт фаолиятига жалб этилди. Жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулот ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, жамғарма ёрдами натижасида республикамиздаги тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридagi экспорт шартномалари тузилди¹. Натижада 2014 йилда 840 миллион доллардан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинди².

2013 йилда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлаган бўлиб, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 190 мингга етди³. 2014 йилда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сони 195 мингдан ортиқни ташкил этди⁴.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзларини бериш янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятини кенгайтди.

Кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли қарори, 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

² Ўша манба.

³ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Манба: <http://www.lex.uz/news/144>.

⁴ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сонли фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими кенг йўлга қўйилди.

Хусусан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;

- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Республикамизнинг аҳоли зич жойлашган ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудудларда касаначилик, косибчилик ва халқ ҳунармандчилиги, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан мақсадли ва манзилли ишлатилиш учун маблағлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми жами 4,1 триллион сўмни ташкил этгани ҳолда, 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошди ва ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратилди¹. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар ҳажми эса 752,3 миллиард сўмни ташкил этди².

2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилди. 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 9 триллион сўмдан ортиқ, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин микрокредитлар ажратилди. Умуман, охириги беш

¹ Узбекистан в цифрах 2012. Государственный Комитет Республики Узбекистан по Статистике. – Т., 2012.

² Ўша манба.

йил ичида кичик бизнесни кредитлаш ҳажми 5 баробар ошди¹.

Шунингдек, хом ашё ва зарурий материалларни товар ва хом ашё биржаларида сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хусусий тадбиркорларнинг хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти кенгайди. Натижада 2014 йилда улар томонидан Республика товар хом ашё биржасида 3 триллион сўмлик хом ашё ва материаллар сотиб олинди, шунингдек, улар ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни биржа савдолари орқали сотишга муваффақ бўлдилар².

Иқтисодийни модернизация қилиш жараёнида янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши зарур.

Бу эса тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантириш учун янада кўпроқ имкониятлар яратади.

¹ Узбекистан в цифрах 2012. Государственный Комитет Республики Узбекистан по Статистике. – Т., 2012.

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.


«Микрокредитбанк» томонидан 2011 йилда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадида 159,7 миллиард сўм миқдоридagi микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104 мингдан ортиқ, 2012 йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобидан 105 мингдан ортиқ янги иш ўрини ташкил этилди (3-расм).

Хуллас, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, уларнинг модернизация қилиниши, технологик янгиланишига молиявий ёрдам берган ҳолда янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлиги таъминлашга имкониятлар яратилмоқда.


Республикамизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимидан фойдаланилмоқда. 2011 йилда иқтисодийнинг барча тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 7 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, 6 фоиз қилиб белгиланди. 2012 йилда ҳам кичик бизнес субъектлари учун солиқ юки даражаси камайтирилди, яъни ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди (4-расм).

Ўзбекистон Республикасида оқилона иқтисодий сиёсат олиб борилиши натижасида аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлашнинг кичик бизнес, касаначилик, оилавий тадбиркорлик

3-расм. “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар эвазига яратилган иш ўринлари сони.



4-расм. Кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси



■ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ставкаси

ва ҳунармандчилик каби самарали шакллари ривожланди.

Бироқ ҳозирги кунда ҳам хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида маъмурий ғов ва тўсиқлар сақланиб қолмоқда¹.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

Республикамиз олдида турган энг муҳим масалалардан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги баъзи бир маъмурий тўсиқларни бартараф этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини самарали меҳнатда бандлигини таъминлашнинг асосий йўли янги иш жойларини яратиш бўлгани ҳолда янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобланади. Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш

учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойлари яратилишини такомиллаштириш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш, касаначилик фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг йирик корхоналар билан биргалликда фаолият юритадиган шакллари кўпайтириш;

- хусусий мулк, хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқ ва кафолатларини қонуний ҳимоя қилиш меъёрларинини кучайтириш;

- хусусий тадбиркорлар томонидан хом ашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини соддалаштириш, бунинг учун ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш;

- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига бандликни ўстириш учун ҳар бир туман ва шаҳарлардаги маҳаллий минерал хом ашё, моддий-техник ва меҳнат ресурслари, ички бозор сиғими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятларини аниқлаш;

- ҳар бир вилоят марказида ҳамда йирик туманлар марказларида лизинг компаниялари филиалларини янада кўпайтириш, улар томонидан ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини технологик воситалар, кичик механизациялар, станоклар ва бошқа хилдаги унча мураккаб бўлмаган воситалар, шунингдек, транспорт воситалари билан таъминланиши;

- тадбиркорларга ўз ишларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда ёрдам берувчи, бозордаги вазият, конъюнктура ўзгаришлари тўғрисида ахборот берувчи «Маслаҳат марказлари»ни кўплаб яратиш;

- хусусий тадбиркорларни микрокредитлар билан таъминлаш жараёнларини доимий равишда давом эттириш, бунда республикадаги тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан кенг фойдаланиш;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини узлуксиз ривожлантириш;

- ёшларни халқ ҳунармандчилигига ўргатишда «Устоз-шогирд» индивидуал ўқитиш услубларидан фойдаланишни кенгайтириш;

- халқ ҳунармандлари ва усталарига устахоналарни кенгайтириш ва замонавий кўринишдаги янгиларини ташкил этиш учун микрокредитлар олиш жараёнини янада такомиллаштириш;

- узоқ қишлоқ туманларида янги иш ўринларини яратувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун имтиёзли кредит ресурсларини жалб этишни такомиллаштириш;

- иқтисодийни модернизациялаш шароити талабларига мос ҳолда республиканинг барча ҳудудларида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналарни янада кўпайтириб бориш;

- касаначиликнинг барча турлари, меҳнат шартномаларига асосланган корхоналар билан ҳамкорликдаги шакллари ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш; касаначилик фаолиятига аёллар ва оиланинг банд бўлмаган бошқа аъзоларини жалб этиш; уйда қилинадиган ишларнинг турли кўринишларини ривожлантиришда «Корхона-Маҳалла» иқтисодий ҳамкорлик тизимини амалга ошириш;

- тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, сабзавот-полииз маҳсулотларини сақлаш, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга ихтисослашган қишлоқ

хўжалиги субъектларини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш ва қайта ишлашни ташкил этиш, сақлаш, қадоқлаш, шунингдек, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказишда воситачи тизимларни янада кўпроқ яратиш;

- гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, терига илшов бериш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналарни ташкил этиш бўйича инновацион лойиҳаларни рағбатлантиришни давом эттириш, микрокредитлар билан таъминлашни янада такомиллаштириб бориш зарур.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Манба: <http://www.lex.uz/news/144>.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.

5. Узбекистан в цифрах 2012. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. – Т., 2012.